



## ШАҲАР КЎЧАЛАРИДА АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ХАВФСИЗ ҲАРАКАТЛАНИШИ УЧУН “АҚЛЛИ ЧОРРАҲА” ЛОЙИХАСИ (Жиззах шаҳри мисолида)

Мирзабеков Миркомил Сайдахмадович.

Жиззах политехника институти

“Транспорт воситалари мұхандислиги”  
доценти.

E-mail. [mirkomil84@inbox.ru](mailto:mirkomil84@inbox.ru)

Тел: (95) 330-48-88

Муллабоев Бобир Шокирович. ЖизПИ  
магистранти

**Аннотация.** Ушбу мақолада дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг автомобил йўлларида ҳаракат қатнашчиларининг хавфсиз ҳаракатини таъминлаш учун жорий қилинган “хавфсиз шаҳар”, “ақлли чорраҳа”, “ақлли пиёда”, “хавфсиз худуд”, каби инновацион лойиҳалар ўрганиб чиқилди. Шунингдек, дунёдаги ривожланган мамлакатларда информацион технологиялари тизимининг ривожланиш тезлиги, уларнинг инсон ҳаётига хавфсиз йўллар ҳамда ҳаракат хавсизлигини таъминлашда имкониятлари таҳлил қилинди.

**Калит сўзлар:** информацион технологиялар, интеллектуал транспорт тизими комплекси, инновацон технологиялар, хавфсиз шаҳар, ақлли чорраҳа, ақлли пиёда, хавфсиз худуд.

**Аннотация.** В статье рассматриваются инновационные проекты, такие как «умный перекресток», «умный пешеход», «умный светофор», «безопасный город», внедренные для обеспечения безопасности участников дорожного движения в развитых странах. Также, были оценены и сопоставлены причины быстрого развития систем связи на основе информационных технологий в развитых странах, их безопасный образ жизни и множество возможностей для обеспечения безопасности дорожного движения.

**Ключевые слова:** инновация, информационные технологии, интеллектуальная транспортная система, умный перекресток, умный пешеход, умный светофор, безопасный город.

**Annotation.** The article discusses innovative projects such as “smart intersection”, “smart pedestrian”, “smart traffic light”, “safe city”, implemented to ensure the safety of road users in developed countries. Also, the reasons for the rapid development of communication systems based on information technology in developed countries, their safe lifestyle and the many opportunities for ensuring road safety were



evaluated and compared.

**Key words:** innovation, information technology, intelligent transport system, smart intersection, smart pedestrian, smart traffic light, safe city.

Транспорт воситаси, XX асрнинг энг илгор кашфиётларидан биридир, ички ёнув двигателлари, кўп миллионлаб инсонлар орзуси, инсоннинг завқ-шавқи манбай ва ниҳоят, унинг куч-кудрати обьектидир. Транспорт воситалари инсоннинг ижтимоий-иктисодий эҳтиёжларини қондирувчи қурилмадир. Ривожланган мамлакатларнинг хўжалик юритувчи субъектларининг фаолиятини транспорт воситасиз тассавур қилиб бўлмайди. Бугунги кунда Ўзбекистонда барча юкларнинг 88% дан ортиғи, йўловчиларнинг 98% дан ортиғи автомобиль транспортида ташилади. Транспорт воситаларининг бир манзилдан иккинчи манзилга етиб боришида автомобиль йўллари ва шаҳар қўчаларининг эксплуатацион ҳолати муҳим аҳамиятга эга.

Шаҳарларнинг барқарор ривожланишини яхши жиҳозланган йўл кўча тармоғисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бироқ, дунёдаги кўплаб йирик шаҳарларнинг кўча йўл тармоғи автомобильлаштириш даражасига мос келмайди. Транспорт оқимлари фаолиятининг иктисодий маъноси - саноат тузилмалари ва шаҳар аҳолисининг эҳтиёжларини қондириш учун минимал харажатлар билан йўловчи ва юк ташишни амалга ошириш билан белгиланади. Шунинг учун шаҳарлар иктисодий транспорт оқими муаммоларини ҳал қилдилар ва ҳал қилишда давом этмоқдалар. Шаҳарларнинг тобора автомобильлашуви ва йўл тармоғининг камлиги транспорт оқимларидан экологик хавфсизликни таъминлаш зарурати каби бошқа муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар натижасида барча соҳалар сингари транспорт соҳасида ҳам ижобий ишлар ўзининг самарасини бериб келмоқда. Соҳа янгидан-янги инновацион ўзгаришлар ва илмий янгиланишлар томон силжимоқда [1,2].

Бугун кунда замонавий ахборот ва информацион технологиялари асида яшамоқдамиз. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ахборот технологияси кириб бормаган бирон соҳа қолмади. Ҳаттоқи, кичик бир соҳада ҳам ўзгаришига сабаб бўлмаган давлатлар қўл билан саноқли даражада.



1-расм. Яқин келажакда жорий қилинадиган йўл ўтказгичлар ва замонавий чорраҳалар. “Хавфсиз шаҳар” лойиҳаси.

Бутун дунё мамлакатлари ривожланишининг технологик даврларни босиб ўтган ва ҳозирги вақтга қелиб жаҳонда аср шиддатининг ривожланиш босқичдан ортда қолгиси келмайди. Чунки, техник ва технологик тараққиёт бир жойда тўхтаб турмайди. Шу сабабли, ривожланган мамлакатлар бор имкониятини ва илму заковатини тўлиқ ишга солиб, инсоният заковатини шошириб қўйиш даражасида ҳар бир соҳада илмий ва инновацион янгиликлар олиб боришига харакат қилмоқмоқда. Аслида замон талаби ҳам шуни тақозо қилмоқда.

Тан олиб айтишимиз керакки, ижтимоий-иктисодий соҳадан тортиб халқ хўжалигининг барча соҳасига инновацион технологиялар кириб бормаган ёки қамраб олмаган давлат қолмади. Дунё халқларининг глобал муаммосини ечишда рақамли технологиялар ва интеллектуал транспорт тизимлари, автомагистраль йўлларни замон талабига мос равища қуриш ҳамда инновацион ақлли чорраҳаларни барпо этиш, йирик шаҳарларда тобора пайдо бўлиши мамлакатлар ривожи ва инсоният равнақига ҳисса қўшиб келмоқда.

1-расм модел кўриниши каби замонавий техника ва технологияларни бизнинг республикамиизда ҳам замон талабига мос равища амалга оширишликни кенг жорий қилиш мақсадида, ушбу тадқиқот ишида ривожланган мамлакатларнинг йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашда жорий қилинган “**ақлли чорраҳа**”, “**ақлли пиёда**”, “**ақлли светофор**”, “**хавфсиз шаҳар**” каби инновацион лойиҳалари ўрганиб чиқилди. Шунингдек, ривожланган мамлакатларда ахборот технологиялари алоқа тизимининг ривожланиш тезлиги қай даражада эканлиги, уларнинг аҳоли хаётига хавфсиз йўллари ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда кўплаб имкониятлари баҳолаб, таққослаб чиқилди. Қуйида жаҳон мамлакатлари мисолида “**ақлли светофор**”ларнинг ўрнатилиши ва унинг жамиятга самарали таъсири хусусида танишиб чиқамиз.



2-расм. Ривожланган мамлакатларда жамоат транспортiga жорий қилинган йўлак (яшил тўлқин).

Германия давлатида маҳсус автомобиллар чорраҳага яқинлашганда, қурилма автоматик тарзда яшил рангга ўтиши учун сигнал беради. Жамоат транспортлари учун дастурий таъминот шошилинч соатларда ишлайди. Гамбург транспорт бошқармаси баёнотига кўра ушбу ақлли светофорлар транспорт оқимларининг ҳаракатини мақбуллаштириш учун дастурлаштирилган [11].

Транспорт воситаларининг информацион технологиялар билан жихозланиб мураккаб чорраҳаларида ҳаракатни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими функцияларининг хавфсизлигини ошириш учун ечим таклиф этилган. Смарт кесишув деб аталмиш стационар мухитни идрок этиш потенциалини очиб бериб, маҳаллий динамик объект ҳаритаси ичидаги мураккаб транспорт ҳолатларини суратга олади. У инфратузилма ва автомобил ўртасида маълумот алмашиш орқали автомобилнинг ўз сенсорларининг визуал соялари ва чекланган сенсорли горизонтларини қоплади.

Ушбу афзалликлар тармоқка уланмаган йўл ҳаракати иштирокчиларининг жорий ҳолатларини ёзиб олиш ва узатишда қўлланилади, масалан. Анъанавий трафикдан тармоқли автоматлаштирилган трафикка ўтишнинг ҳамкорликдаги режалари доирасида амалга оширилади. Бундан ташқари, велосипедчилар ёки пиёдалар каби заиф йўл ҳаракати иштирокчиларини аниқлаш ва жойлаштириш ҳаракат хавфсизлиги нуқтаи назаридан катта фойда келтиради.

Автомобиллар ишлаб чиқарувчилари, инфратузилма операторлари, алоқа хизматлари назоратчилари ва бошқа иштирокчилар ўртасида умумий жавобгарлик туфайли судда фойдаланиш мумкин бўлган маълумотлар трафигининг баённомасига эҳтиёж мавжуд. Манипулятсия хавфи маълумотларни узатишнинг яхлитлиги ва ҳамкорлик тизимлари хавфсизлиги механизмлари билан қопланади.

Ақлли чорраҳа лойихаси together with the institutes. Фраунхофер Когнитив Интернет Технологиялари Кластери (Fraunhofer Cluster of Cognitive Internet Technologies (CCIT)) биргаликда (AISEC, ННІ, НІС and IVI) инситути билан ишлаб



чиқилган асосий технологияларни талаб қиласы. Fraunhofer IVI транспорт ва инфратузилма тизимларининг этакчи институти сифатида ўз сайтида намойишчиларга турли технологияларни жорий қиласы. Ушбу намойишчилар мураккаб чорраҳаларида автоматлаштирилган бошқариш учун инновацион ечимларни ишлаб чиқилган.

Москва шаҳрида эса 2030 йилнинг июнь ойларига келиб “ақлли чорраҳалар” сони 1000га етди. Бу каби мисоллар кўплаб ривожланган давлатларда ўз аксини топади.



3-расм. Пойтахт кўчаларида жорий қилинган замонавий чорраҳа.

(Мустақиллик – Буюк ипак йўли кўчалари кесиши маси).

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти ташаббуси билан Тошкент шаҳрида 120 дона турли хилдаги ўз стратегиясига ва жойлашувига эга чорраҳаларни янги замонавий техник имкониятлари юқори чорраҳаларга ўзгартириш, ташкил қилиш ва самарали фойдаланишини йўлга қўйиши юзасидан қарор ва кўрсатмалар ишлаб чиқилган. Ушбу ишларнинг маҳсули сифатида 2017 йил 15 март куни Тошкент шаҳри бўйлаб ўрнатилган марказий бошқарув пултига эга 120 та замонавий чорраҳа ўз фаолиятини бошлади (3-расм). Пойтахтда жорий қилинган чорраҳалар замон талабларига мос равишда ва юқорида санаб ўтилган ривожланган мамлакатлар билан беллаша оладиган имкониятларга эга бўлди.

Жорий қилинган замонавий чорраҳаларнинг афзалликлари шундаки, марказий пулт орқали чорраҳаларда жамоат тартиби хавфсизлигини кузатиб бориши, светофор чироқларини масофадан туриб назорат қила олиш ва дастурий таъминотига 15 турдаги светофор режимлари (фазалар)ни ўрнатиб, узлуксиз автоматик тарзда ўзгариб ишлаши, шунингдек содир этиладиган қоидабузарликлар (яъни, автомашинанинг тезлиги, қизил чироқда ҳаракатланиши)ни аниқлаш, пиёдалар йўлни кесиб ўтишдаги қулай ва самарали имкониятларга эга бўлганлиги бунга яққол мисол бўла олади.



4-расм. Жиззах шаҳридаги марказий бошқарув пулти (Жиззах шаҳар У.Тўрақулов кўчаси 24-уй).

Шу ўринда айтиш керакки, бугун Жиззах шаҳрида юқорида санаб ўтилган имкониятлардан ташқари икки йил давомида ушбу соҳада бошқа муҳим бир ўзгаришлар, янгиланишлар кузатилмаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Яъни, шаҳар миқёсида бирон-бир замонавий қўшимча чорраҳа барпо қилинганлиги йўқ.

2021 йилнинг статистик маълумотларига кўра Жиззах шаҳар худудида 200 дан ортиқ чорраҳа бўлиб, Сербия давлатидан келтирилган **SIEMENS** русумли светофорлар ўрнатилган. Улар **AGT** ва **Vlatacom** компаниялари ҳамкорлигida ташкил қилинган бўлиб, ҳозирда чорраҳалар ўз фаолиятини давом эттироқмокда. 4-расмда 2020 йилда қайта жихозланниб охирги замонавий қурилмалари билан жихозланган холати акс этган марказий бошқарув пулти. Лекин жорий қилинган замонавий чорраҳаларда ҳанузгача тирбандлик юкламаси катта бўлиб, йўл ҳаракатини тартибга солишда камчиликлар етарли. Транспорт воситалари тирбандлиги йилдан йилга ортиб бормоқда. Тошкент шаҳар ҳокимиятига қарашлиқолган 480 та чорраҳалар ҳақида сўз юритганда, уларнинг қарийб 280 тасидан ортиғи транспорт воситаларини тезкор ўтказиш даражаси жуда паст. Шахимизда сўнгги 10 йилда шаҳар бўйлаб автомобиллар сони 150 мингтадан 216.325 тага, яъни 2 баравардан кўп даражада, аҳоли ва транспорт воситалари кўпайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Ҳозирда Жиззах шаҳрида 1 млн. дан зиёд аҳоли истиқомат қиласи. Пойтахт худудида бир кунлик вақт давомида 600 мингдан ортиғи автотранспорт воситаси ҳаракатланиши етарли даражада тирбандликка сабаб бўлади.

Тирбандликлар асосан Жиззах шаҳридаги “Кўк бозор” худудидаги чорраҳада ва Ором бозори атрофидаги ҳам кузатиляпти. Ҳозирча бунинг сабаблари мавҳум. Бу борада Жиззах шаҳар ҳокимлиги тирбандликка сабаб бўлаётган қўчаларни кенгайтириши, шунингдек машиналарнинг қайрилиб олиши ва янги қатнов қўчалар очиш ишларини олиб бораётган бўлса-да, тирбандлик



масаласи ҳануз камайгани йўқ.

Масалан, статистика маълумотларига кўра, транспорт ҳайдовчилари шаҳар марказидан шаҳар четги қисмига ўртacha 10 км оралиқ масофада (И.Каримов кўчаси бўйлаб) 8:00 дан 9:00 гача ҳаракатланадиган бўлса, 30-35 дақиқани сарфлайди. Бу вақтда эса кесишган чорраҳалардан ўртacha шу вақтда 1742 тадан ортиқ автомобиль ҳаракатланиб ўтишини кузатиш мумкин.



5-расм. Тирбандлик оқибатида атроф-муҳитга чиқаётган ортиқча заҳарли газлар.

Агар чорраҳаларда ЙПХ ходими тирбандликни назоратга олган ҳолда ҳаракатланишни бошқармаса 3000 га яқин транспорт воситалари тирбандликда қолиб кетишидан ташқари, фавқулоддаги турли ҳолатлар, тез ёрдам машиналари ва уларни қутаётган беморлар ёки ёнғин-қутқарув хизмати ходимлари ва шу каби ёрдам учун шошилаётганлар учун бундай тирбандликларнинг мавжудлиги қимматли вақтнинг йўқотилишидир.

Шунингдек, чорраҳалардаги содир этилаётган бу каби тирбандликлар натижасида юзлаб транспорт воситаларидан чиқаётган ортиқча заҳарли газлар инсон саломатлиги учун хавф уйғотади, экологияга етарли даражада зарап етказади (5-расм).

Юқоридаги рақамлар асосида биргина транспорт воситаси мисолида кўрсак, бир йилда ўртacha 4 тонна кислород ишлатадиган автомобиль 800 кг ис гази, 40 кг азот оксидлари, 200 кг ёнмай қолган углеводородлар чиқариб ташлайди. Энг ачинарлиси шундаки, дунёда ҳавонинг ифлосланиши “кўринмас қотил” бугун



ОИТСдан кўра кўпроқ инсон ҳаётига хавф солаётганлигидадир. Бу кўрсаткичларни камайтириш ва олдини олиш инсон ҳаётини, экология ва атроф-муҳитни захарланишдан асраб-авайлаш, бундан ташқари ЙТХга алоҳида аҳамият қаратиш жоиз.



6-расм. Йўл об-ҳаво маълумотлар тизими, *Road Weather Information System (RWIS)* замонавий чорраҳаларга ўрнатилиши лозим бўлган қурилмаларнинг кўрининиши.

ЙТХ борасида мавсумий ноқулай об-ҳаво шароити оқибатида қорли ва музлаган йўлларда бошқа мавсумларга қараганда кўплаб йўл транспорт ҳодисалари содир бўлаётгани барчамизга сир эмас. ЙХХБ матбуот хизмати томонидан маълум қилинишича, ноқулай об-ҳаво шароитида 4700 та йўл транспорт ҳодисаси аниқланган.

Бу кўрсаткични юмшатиш ва камайтиришда йўл ҳаракати иштирокчилари музлаган йўлларнинг хавфлилик даражасини олдиндан кўра олиш ва шунга қараб ҳаракатланиш чоғида ҳайдовчиларнинг ўз эҳтиёткорлигини оширишда, кесишиналарни безарар кесиб ўтишда чорраҳалар ва улар оралиғига ўрнатиладиган автоматик бошқариш датчигли лазер ва инфрақизил нурли мини (RWIS) технологияларидан фойдаланилади. 6-расм модел кўриниши асосида ушбу қурилманинг жойлаштириш ва ишлаш холати акс этган. Реал вақтда йўлнинг сирт ҳолати, сув миқдори, музлик, лой, қор ва намлиқ, шунингдек ҳаво ва йўл қопламаси ҳароратини аниқ маълумотлар асосида баҳолаб бориб, фойдаланувчига ахборот бериб боради.





7-расм. Туман ободонлаштириши бўлимининг қишики мавсумда қум–туз сепии жараёни.

Таҳлилий маълумотлар эса Жиззах шаҳар ЙҲҲБ, Жиззах шаҳар ҳокимияти, Жиззах шаҳар Ободонлаштириш бўлимига умумлаштирилган тарзда тақдим этилади. (RWIS) технологияси қорли ва музлаган кўчаларни ҳолатига автоматик баҳо бериб, энг аввало, зарур кўчалардан бошлиш кераклиги чорраҳа ва кесишмаларни эритишда туз–қумлар ҳамда ишқорлар сепиш зурур ёки зарур эмаслиги, ҳатто миқдорини аниқлаб ҳисоб-китоб қилиб бориши имконига эга бўлади.

Мисол учун, жорий йилнинг январь ойида совуқ об-ҳаво натижасида ёғган қорли ва музлаган шаҳар кўчаларига (7-расмга эътибор қаратишингиз мумкин) 1521,5 тонна қум ва 60,8 тонна туз сепиб йўл ҳаракати иштирокчиларига шароит яратиб берилган

Лекин қунлик сепилган 150 тонна қумни қайта шаҳар кўчаларидан йиғишириб олиш, шаҳар кўркини яхшилаш ва ортиқча қўл меҳнати ҳамда сарф-харажат камайишига эришишда жорий қилинадиган инновацион чорраҳаларнинг ўрни бекиёсdir.

Шаҳримиздаги содир этилаётган йирик тирбандликларни олдини олиш бўйича Жиззах шаҳрида йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга оид концепция тақдимотидаги кўтарилилган масалалар бунинг яққол мисолидир. Шунга мос равища шаҳар миқёсида транспорт инфратузилмаси янада ривожлантирилмоқда. Янги йўллар, кўприклар, ерусти ва ер ости йўл ўтказгичлар қурилмоқда.

Хусусан, шаҳримиздаги йирик чорраҳаларнинг ҳаракатланиш тартибини оптималлаштириш, инновацион ахборот технологияларини қўллаш орқали ўртacha тўхташлар сонини 71 фоиз ва вақтини 48 фоиз, тирбандликни 64 фоиз, ёқилғи сарфини 34 фоизга камайтириш мумкинligини кўзда тутиш лозим. Жамоат транспортидан фойдаланаётган 33 фоиз йўловчиларни ривожланган давлатлар сингари 60–70 фоиз кўрсаткичга олиб чиқиш имконияти борлиги сабабли йўл тармоқларининг ўтказувчанлигини инновацион замонавий чорраҳаларни



мукаммал тарзда интеллектуал ўтказувчанлигини яхшилаш, имкониятларни янада кенгайтириш, ривожлантириш йўл ҳаракати иштирокчиларига шарт-шароитлар яратишга ҳали ҳам имкониятлар кўп.

Жиззах шаҳар худудидаги амалга оширилиши лозим бўлган 80 фоиз чорраҳалар ҳайдовчи ва пиёдаларга ўз имкониятларини очиши мумкинлиги ва бу борада ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб шаҳар инфратузилмасини ва стратегик аҳамиятлилигини ўрганган ҳолда, мутлақ замон талабларига жавоб бера оладиган, йўл ҳаракати хавфсизлигини ошириш даражасини қамраб олган транспорт воситалари ва пиёдалар оқимларининг мослашувчанлигини тартибга солишда муаммоларга дуч келмайдиган, барча имкониятларга эга “**шаҳарда ақлли чорраҳалар**” дастур лойиҳаси 3D модел кўринишида 8–9 расмлар асосида иш фаолиятини олиб бориши яқин келажакда йўлга қўйиш зарурлиги кўзда тутилган.



9-расм. “Ақлли чорраҳа” лойиҳасида 3D моделлаштирилган кўриниши.

“Жиззахда ақлли чорраҳалар” нинг имкониятлари қандай бўлиши мумкин? деган саволга қуидаги кетма-кетликда келтирилган изоҳлар орқали жавоб олиш мумкин.

## 1. “Автомобил йўлларида тирбандликлар”нинг олдини олиш:

а) ҳозирги пайтда асосий мұхокамалар сирасидаги сунъий интеллект чорраҳалардаги тирбандликларни олдини олишда бу тизим светофорнинг яшил сигнали давомийлигини автомобилларнинг оқимиға, тирбандликлар инсон омили аралашмаган ҳолда интенсивлигига қараб ўзгаради. Бунда светофорлар ўзини ўзи назорат қила олади ва чорраҳа олдида жойлаштирилган видеокузатув камералари ҳар бир ҳаракатдаги автотранспорт воситасини саноқдан ўтказиб, саноқ даражаси бошқа йўналишдаги автотранспорт воситалари саноғидан кўп ёки камлигига қараб ҳаракатни назорат қилади.

## 2. “Ақлли пиёдалар” ўтиш жойи:

а) бунда пиёдалар чорраҳани кесиб ўтишда тўхталишларга минимал даражада эришиб, хавфсиз чорраҳани кесиб ўтиш имкониятига эга бўлади ҳамда пиёдалар ЙҲҚга амал қилмаган ҳолда ҳаракатланса, пиёдаларни товуш



сигналлари огоҳлантиради;

**3. “Яшил тўлқин”да ҳаракатланиш:**

а) маҳсус имтиёзга эга бўлган автотранспорт воситалари чорраҳани кесиб ўтишда тирбандликка дуч келмасдан, хавфсиз ва барқарор ҳолатда ўтишини тамиnlайди. Бунда тез ёрдам, ўт ўчириш, ИИО ва бошқа имтиёзли автотранспортлар зудлик билан белгиланган жойга етиб бориши таъминланади.

**4. “Ақлли камера”:**

а) чорраҳада ҳамда 150 метр радиус масофада ҳаракатланаётган шахсларни “Юзини таниб олиш” автоматик равишда локализация асосида қидирув тизими ёрдамида аниқланади. Бунда йўқолган, бедарак кетган, қидирувдаги ва жиноятда гумондор шахсларни аниқлаш имконияти мавжуд.

**5. “Ақлли кузатув”:**

а) дастурий таъминот тўпламига давлат рақамларини жўнаташ ва қабул қилиш функциялари қўшилади, шунда чорраҳада ва ўз йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган ҳар бир автотранспорт воситасини давлат рақами асосида олиб қочилган, жиноят ишида гумондор, бедарак кетган, қоидабузарлиги бўйича ўз вақтида жарима тўланмаган транспорт воситалари аниқланади.

**6. “Хавфсиз чорраҳа”:**

а) чорраҳага белгиланган тезлиқдан юқори тезлиқда ҳаракатланиб келаётган автотранспорт воситасини чорраҳада тўхтаб олиш даражаси пастлигини аниқлаб, ўз йўналишида ҳаракатни бошлаган пиёда ва автотранспорт воситаларига хавфхатардан огоҳлантирувчи товуш бериш имконияти мавжуд.

**7. “Автоматик жарима” яратиш:**

а) тизимнинг сунъий интеллекти чорраҳага кириб келаётганда автотранспорт воситасини қаторлар ва тўхташ ишораси ёнганида тўхташ чизиғларини босиб тўхташ ҳамда светофорнинг тақиқловчи ишорасига бўйсинмасдан ўтиш қоидаларини автоматик тарзда кузатиб бориш ва аниқлаш имкониятига эга бўлади.

**8. “Маълумотлар чорраҳада”:**

а) замонавий мониторлар билан жиҳозлаш ва бу мониторлар орқали турли маълумотлар узатиш, ахборот алмашиш имкониятига ҳамда йўл ҳаракати иштирокчилари Тошкент шаҳар миқёсида ва ўз йўналиши бўйича тирбандлик ҳақида маълумот олишга эга бўладилар.

**9. “Ақилли йўл”:**

а) Guardian Road Weather Information System (RWIS) ҳар қандай иқлим шароитида йўлнинг ҳолатини ўлчаш учун лазер спектроскопиясидан фойдаланиш орқали йўлда тўпланган сув миқдори, музлик, лой, қор ва намлик, шунингдек ҳаво



ва йўл қопламаси ҳароратини аниқлаб, маълумотларни чорраҳада жойлашган мониторларга узатиб ахборот бериб боради.

#### **10. “Ақилли боғланиш”:**

а) Патруль - пост ва ЙПХ биргадасида хизмат кўрсатувчи транспорт воситалари реал вақт оралиғида энг яқин чорраҳа билан узвий тарзда ахборот алмасиб бориш ва назорат қилиш. Маълумотларни сониялар асосида планшет орқали қузатиш вужудга келган муаммоли вазиятларни жойида бартараф этиш имкони пайдо бўлади.

**“Жиззахдаги ақлли чорраҳалар” бизга нима беради ва нима учун керак?**

1. Автомобил йўлларидаги тирбандликларнинг олди олинади;
2. маҳсус транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун имконият яратилади;
3. пиёдаларнинг ҳаракати учун хавфсиз ва қулай ҳаракатланиш таъминланади;
4. кўчалардаги турли жиноятчиликни олдини олишга эришилади;
5. йўллардаги йўл ҳаракати қоидабузарликларини аниқлаш имкони пайдо бўлади;
6. статистик ҳисботлар автоматик аниқланади;
7. захарли газлардан сақланиш;
8. шаҳар кўркини бузмаслик (*қазии ишилари, қудуқлар ўрнатиши, ҳар хил симлар ўтказишидан воз кечиши*) янада кўркамлаштириш (энг қулай усулда);
9. йўл ҳаракати иштирокчиларини вақт масаласига ечим топиш ва ҳал қилиш;
10. йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш учун йўл ҳолатини сув микдори, музлик, лой, қор ва намлик, шунингдек ҳаво ва йўл қопламаси ҳароратини аниқ маълумот асосида баҳолаб манзилга бориш;
11. Guardian Road Weather Information System (RWIS) олинган маълумотлар автоматик таҳлил қилиниб, ҳисоб-китоблар асосида энг зарур жойларга ишқорлар (туз-қум) сепиш ва сарфланиши ҳақида статистик маълумот юритиши;
12. кўзланган мақсад сари ҳаракатланган йўл ҳаракати иштирокчиларига чорраҳаларда ўрнатилган катта мониторлар орқали ҳаракатланмоқчи бўлган чорраҳа ҳақида (*тирбанд ёки тирбанд эмаслиги ҳақида*) олдиндан маълумотлар бериб бориш;
13. турли жиноятларни “*иссиқ изидан*” очиш ва унга қарши курашиш жамият ҳаётини турли хавф-хатардан сақлаш ҳамда ларнинг олдини олишга эришамиз.

Шу билан бирга, Жиззах шаҳар тажрибаси асосида бошқа шаҳарларда ҳам йўл-транспорт тизимини қайта кўриб чиқиб, марказий автомобил йўллардаги тирбандликларни бартараф этиш, кўчаларни намунавий тарзда ўзгартириш, шаҳар



аҳолиси ва шахарга мунтазам ташриф буюрадиган меҳмон туристлар учун қулай етарли шарт-шароит яратиш зарур.

Ушбу тизимни йўлга қўйилиши инсон ҳаёти учун муҳим ўрин эгаллабгина қолмай, яқин келажак ҳақида хабар беради.

Зеро, ривожланган мамлакатлар сингари юртимиз ва шахrimiz кўркига янада кўрк қўшиш мақсадида олиб борилаётган улкан ислоҳотлар қатори бу каби замонавий технологияларни кенг тадбик этилиши мамлакатимизнинг янада равнақ топишида муносиб хизмат қилади. Чунки, буюк келажаги бор давлатга ўзгадан кам бўлмаган рақобатда ўзиб кетадиган автомобиль йўллари ярашади.

### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (2019 – 2023 йилларда «Хавфсиз шаҳар» лойиҳасини босқичма-босқич республиканинг барча ҳудудларида жорий этиш тўғрисида).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.
3. Abduraxmanov R.A., Mirzabekov M.S. "Intelligent intersection" project for safe travel of vehicles on city streets (On the example of the city of Djizakh) // Web of scientist: International scientific research journal. ISSN: 2776-0979, Volume 3, Issue 11, Nov., Novomber, 2022 y. 112-115 p.
4. Каримов А.А., Носиров Х.Х. Инновацион босқичда “ақлли чорраҳа” (Тошкент шаҳар мисолида). Андижон машинасозлик институтининг Машинасозлик илмий-техника журнали. 2021 й. №3. 4-16 бет.
5. WHO, Global status report on road safety 2018, доступен: [https://www.who.int/violence\\_injury\\_prevention/road\\_safety\\_status/2018/en](https://www.who.int/violence_injury_prevention/road_safety_status/2018/en).
6. Жиззах шаҳар ИИБ ЙҲҲБ матбуот хизмати маълумотлари.
7. MINNESOTA транспорт департаменти обод йўллар нашри.
8. <https://www.tadviser.ru/index.php>
9. <https://tass.ru/obschestvo/7686449>
10. BBC NEWS, 2017 йил, 6 март. [information@boschungamerica.com](mailto:information@boschungamerica.com) маълумотлари.
11. <https://www.cit.fraunhofer.de/en/research-center/iot-comms/SmartIntersection.html>